



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 1 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 236 (13.049)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқаро демократик принципларга мослиги, барча соҳа ўз ифодасини топгани билан мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминламоқда. Буни хорижликлар ҳам алоҳида эътироф этмоқда.

Жонг Вей ЦИАНГ, "Sinotrans Landbridge Transportation" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси менежери (Хитой):

Компаниямиз Хитой тўқимачилик корхоналарига пахта толаси етказиб бериш билан шугулланади. Бу борада Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиб келамиз. Шу мақсадда Тошкентда ўз ваколатхонамизни очганимиз. Ўзбекистонда барча соҳалар қатори пахтачилик ва тўқимачилик саноати ҳам изчил ривожланаётгани, соҳага энг замонавий технологиялар жорий этилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳар соҳада юксак суръатларда ривожланиб бораётгани бизни қувонтиради.

Инсон қайси мамлакатда бўлса, ўша давлатнинг қонун-қоидаларини библиши ва уларга риоя этиши лозим. Мен ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, фаолиятимиз соҳасига оид ҳуқуқий ҳужжатларни яхши ўргандим. Ўзбекистон Бош қомусида чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши белгиланган. Бу мамлакатимизда инсон манфаатлари улуғлангани, халқаро алоқаларга кенг йўл очилганидан далолатдир.

Ким Юн СУК, "Шиндонг Энерком" компанияси президенти, "Корея Республикаси — Ўзбекистон" дўстлик ассоциацияси раиси (Жанубий Корея):

Ўзбекистонда бизнесимизни 1991 йилда йўлга қўйганмиз. Мамлакатимиздаги иқтисодий ривожланиш босқичларига бевоқифа ўтганимиз. Ўзбекистонда Президент Исрол Каримов раҳнамолигида эркин бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш борасида ғоят оқилона сиёсат юритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида мамлакатимизда тинчлик-тотувлик, тенг ҳуқуқлилик таъминланмоқда. Ҳамма эркин касб танлаб, ўз режа ва мақсадларини амалга оширишга муваффақ бўлмоқда. Бунинг самарасида Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда.

Конституцияда кафолатланган мулкдорлик ҳуқуқи, қонун билан мустақамланган имтиёз ва преференциялар хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга иқтисодиётга қизиқишини оширмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳусусийлаштириш ва корпоратив бошқаруви ривожлантириш, иқтисодиётда давлат ишторлини қамрайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнлари натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти янада жадал тараққий этишига ишонамиз.

(Давоми 3-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ ЯРАТИЛГАН

Тошкентда "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш — мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг асосий йўналиши: Ўзбекистон таърибаси" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан БМТ Тараққиёт дастури, ЕОХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Германиядаги К.Аденгауэр ва Ф.Эберт номидидаги ҳамгармалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура, Олий суд ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси, Европа Иттифоқининг Венеция комиссияси, Буюк Британия, Италия, Испания, Ирландия, Руминия, Шотландия, Хитой, Мўғулстон ва бошқа давлатлардан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва иқро ҳокимияти органлари масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ва дипломатик корпус вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, журналистлар иштирок этди.

Конференцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг қонуний асосларини мустақамлаш, қонун ижодкорлигини янада яхшилаш, соҳада парламент назоратини қайтариш, вакиллик органларининг ролини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш борасидаги миллий ва хорижий таъриб буюқ таҳлил қилинди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини мустақамлаш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклигини қайтариш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни, қадри-

қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгиланган. Буларни таъминлаш йўллари ва кафолатлари қонунларимизда мустақамланган. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича етмишдан ортқ халқаро ҳужжатга қўшилган, жумладан, БМТнинг ўрта асосий ҳужжатини ратификация қилган. Давлатимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига риоя этиш ҳамда уни ҳимоя қилиш борасидаги мажбуриятларини тўла бажариб келмоқда.

Тадбирда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, қучли фуқаролик жамияти барпо этилаётгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, суднинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий чора-тадбирлар туфайли бу соҳа инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этадиган мустақил давлат институтига айланди.

Мамлакатимизда прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга оид ҳуқуқий асослар яратилди. Жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш фуқаролар манфаатига хизмат қилаётди.

Аҳолининг қонуний ҳуқуқларидан самарали фойдаланиши учун жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий таълим ва маърифатни, ҳуқуқий билимлар тарғиботини яхшилашга йўналтирилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очикилиги ва ошқоралиги қонуний асосда таъминланаётгани улар фаолияти самарадорлигини ошириб, фуқароларнинг улар билан мунтазам алоқада бўлишига кенг йўл очди. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланилаётди.



Тошкент шаҳрида академик чолғулар, эстрада ва анъанавий ижрочилик бўйича "Истеъдод" халқаро танлови якунланди.

ИСТЕЪДОДЛАР ЮЗАГА ЧИҚДИ

Танловнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида санъат ривожига қаратилаётган эътибор ёшлар маънавиятини юксалтириш, халқимизни миллий ва жаҳон муҳаббатининг нодир намуналаридан баҳраманд этишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Турли кўрик-танлов ва фестиваллар истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омили бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Бас-такорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Истеъдод" халқаро танловида Ўзбекистон, Франция, Корея Республикаси, Россия, Озарбайжон, Туркия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан 160 дан ортқ иштирокчи ёш ижрочилар иштирок этди.

Ёш тоифасига кўра икки гуруҳда (12-15 ёш ва 16-19 ёш) ўтган ушбу нуфузли халқаро танловда иштирокчилар фортепьяно, торли чолғулар (скрипка, альт, виолончель, контрабас), эстрада ҳамда анъанавий хонандлик каби йўналишлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Ёш ижрочилар ўз юртининг миллий музикларини, жаҳон ва ўзбек мумтоз бастакорларининг машҳур асарларини ижро этди.

Ушбу йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Улар диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

— Танловда ғолиб бўлган эълон қилинганда Ўзбекистондек буюк мамлакатда тутилиб, эътибор оғушида қамолга етиш нақадар катта бахт эканини ҳис қилдим, — деди фортепьяно йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳиби Азиз Эргашев. — Мамлакатимизда санъаткорларнинг иқтидорини юзага чиқариш борасида яратилаётган шарт-шароитлар ва устозларим-

нинг сабоқлари натижасида ушбу танловда совриндор бўлдим. Биз, ёш авлод вакиллари қўрсатилаётган доимий эътибори ва ҳамқўрлиги учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

— Ўзбекистонда санъат юксак кадрланиши, ижодкор ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани таҳсинга лойиқ, — деди анъанавий хонандлик йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳиби Мурод Ибрагимов (Озарбайжон). — Бизни қўллаб-қувватлагани ва қўрсатилган эътибор учун Ўзбекистонлик санъат иқтисомчиларига ташаккур билдираимиз. Тошкентда ўтказилган "Истеъдод" халқаро танлови барча иштирокчиларни дўстлаштирди.

Танлов иштирокчилари ва ҳакамлар ҳайъати мазкур санъат форуми юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. "Истеъдод" халқаро танлови жаҳоннинг қўллаб-қувватлаши ёш ижрочиларига ўз қобилиятини намойиш қилишда, ижрочилик кўникмаларини янада ривожлантиришда, муҳим санъат соҳасида фикр ва таъриб алмашишда, миллий санъатимизни дунёга янада кенгрок намойиш этиш ва иқтидорли ёшлар ижодини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Мушикий форум доирасида иштирокчилар мамлакатимиз болалар музика ва санъат мактабларида яратилган шароитлар билан танишди. Иштирокчилар билан бўлиб ўтган замонавий иншоотлар, маданият ва санъат қўшоалари иштирокчиларга унутилмас таассурот қолдирди.

Маросимда ёш ижрочилар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллиги муносабати билан Самарқанд вилоятидаги таълим муассасалари, маҳалла, корхона ва ташкилотларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Нуробод туманидаги Оксой маҳалласи аҳли билан ўтказилган тадбирда республика тарғибот гуруҳи аъзолари — пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, таълики ёзувчи ва шоирлар, театр ва кино актёрлари, санъаткорлар иштирок этди.

• Хоразмда Асосий қонунимиз қабул қилинганнинг 23 йиллиги муносабати билан "Конституция — аёл ҳуқуқларининг кафолати" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари аъзолари, мутахассислар, ҳуқуқшунослар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Термизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллиги олдида "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг мамлакат босқичида ғолибликни қўлга киритган Термиз шаҳар ахборот технологиялари ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг "Алпомиш авлодлари" жамоаси ва бир гуруҳ фаол ўқувчиларга Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм қўмондонлигининг фахрий ёрликлари топширилди.

• Андижонда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболларига бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Германия жағарма кассалари уюшмаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тизимидаги таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди. Тарбирда Германиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича жағарма кассалари фонди мутахассислари томонидан маҳорат машғулотлари ўтказилди.

ЖАҲОНДА

• Буюк Британия иқтисодиётининг ўсиши сустлашган. Гап шундаки, жорий йилнинг июль — сентябрь ойларида мамлакат ялпи ички маҳсулот атиги 0,5 фоиз ошган. Ваҳоланки, апрелдан июнгача бўлган даврда бу кўрсаткич 0,7 фоизни ташкил қилган эди. Мутахассисларнинг айтишича, Буюк Британия маҳсулотларининг асосий харидорлари ҳисобланган Европа давлатларида талабнинг пасайиб кетиши ана шундай ҳолатни келтириб чиқарган.

• Япониянинг "Casio" компанияси "G-Shock" туркумидаги навбатдаги соатлари коллекциясини омма эътиборига ҳавола қилди. Янги русумдаги маҳсулотлар қиш мавсумига мўлжалланган бўлиб, унга ҳарорат, босим, баландликни ўлчаб берадиган датчиклар ҳамда компас ўрнатилган. Қўл соати 200 метр чуқурликда ҳам сув кирмайди ва анча чидамли.

(Давоми 3-бетда)

ДЕПУТАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ



— Нилуфар Закиржоновна, халқимиз ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигини кенг нишонлаш арафасида. Шу муносабат билан Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни, амалга оширилган ислохотларнинг замиридаги аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

Дарҳақиқат, Конституциянинг ижтимоий ҳаётдаги роли бекиёс. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти қонулар билан тартибга солинади. Барча қонулар тизимини бир бутун иморат деб билсак, Конституция унинг пойдеворини ташкил этади. Иморатнинг мустаҳкамлиги эса, биринчи навбатда, пойдеворга боғлиқ. Қайси мамлакатда қонун устувор бўлса, уша мамлакатда тинчлик ҳукм суриб, тараққиётга, юксалишга эришилади.

Конституциямиз Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим қоидаларини ўзида муқаддаслаштириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий, ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин, у бугун бутун дунё томонидан мамнуният билан эътироф этилаётган та-

Бугунги глобаллашув шароитида гоёвий-мафкуравий курашларнинг тобора кучайиши ахборотни қудратли қуролга айлантирмоқда. Айниқса, айрим сиёсий марказлар томонидан муайян минтақа, ҳудуд аҳолиси қалби ва онгини забт этишда ахборотдан ғаразли мақсадларда фойдаланаётганлиги намоён бўлмоқда. Хусусан, ахборот хуружлари замирида миллатнинг тарихан шаклланган маданияти, маънавияти ва унинг ўзига хослигини барбод этишга бўлган ҳаракатлар тобора кучаймоқда.

ОГОҲЛИК ВА ХУШЁРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Бинобарин, ахборот хуружи оқибатида жамоатчилик қалби ва онгида "ўзгача" маънавий, маданиятнинг шаклланиши, ёшларни асл маънавий қадриятлардан ўзгаришга орқали таназзулга етказилиши аниқлаш лозим.

Ахборот хуружлари замирида эътибор қаратилса, жамият ҳаётидаги азалдан шаклланган қадриятлар, миллий маънавияти ва маданиятга раҳна солишга интилиш тобора кучаймоқда. Бинобарин, бугунги кунда ахборот хуружлари орқали инсон қалби ва онги, миллат руҳияти нишонга олинмоқда. Бу ҳақда Президентимиз: "Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиҳидий ҳавф остида қолётганлигини қулатиш мумкин", — дея таъкидлаган эди. Шу тариқа, бугун глобал микёсда жамоатчилик маънавиятига таъсир этувчи иллатлар ахборот воситаси орқали экспорт қилинмоқда. Зеро, ҳар қандай ахборот хуружлари бевосита ахборот қуролилари орқали амалга оширилиши аниқлаш лозим. Бу эса муайян қўллар томонидан жамоатчилик онги ва қалбига ёт гоёларни сингдириш мақсадида уларнинг ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир этишнинг мафкуравий омилларидан бири сифатида бўй қўлатмоқда.

Мутахассислар ҳозирда ахборот миссиясининг муҳим қуролларидан бири сифатида омий ахборот воситалари ва информацион таътиқларнинг жуда муҳим эканлигини таъкидлашмоқда. Бинобарин, глобаллашув жараёни ҳамда ахборот ва коммуникация соҳасининг ривожланиши натижасида ҳар хил маънавий хуружлар, ёт оқимлар таъсири орқали ўзларининг мафкуравий гоёларини дунёдаги илган ҳудудларни забт этишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, ошқора агрессив ахборотлар таъсири туйғули жамоатчилик онги, дунёқароши, ҳулқ-атвори, кайфияти ҳамда ҳатти-ҳаракатида ноҳус ўзгаришлар рўй бермоқда.

Бинобарин, омий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган гоёвий таъсир ва таътиқнинг ўзига хослиги шундаки, у жамоатчилик онгини забт этишда катта ҳаражатни талаб қилмаган ҳолда юқори самара беради. Бунда гоёвий таъсир йўналишларини мамлакатлар аҳолисининг ҳоҳиш-иштаклари, менталитети, маъжуд муаммолари жиҳидий ўрганиш орқали асосий диққат жамоатчилик онги ва дунёқарошига таъсир қўлатишга, шаклланган қадриятларни ўзгаришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади.

Зеро, ахборот хуружи оқибатида жамоатчилик онгида бир-бирига мутлақо зид бўлган дунёқарошлар шаклланаётганлиги таъкидланади. Бу ҳақда Президентимиз Ислам Каримов: "Турли гоё ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган бугунги заминда ёлғончи рост, ростни ёлғон, деб қўрсатишга уриниш, ахборот-коммуникация воситаларини ўзининг ўзоқчи қўлай-диган манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш, ғаразли мақсадлар йўлида одамларни, миллатларни бир-бирига қарама қарши қўйиш, уларни ҳаётдан норози қилиш, турли сохта маълумотларни тарқатиш, ўзгаларни писанд қилмасдан, қўчи етдиган давлатларга пўписа ва зуравонлик қўрсатиш, ҳеч қим билан ҳисоблашмай қўчи ишлатиш ҳолатлари авваламбор омий ахборот воситаларининг бугунги ўқувчи, тингловчи ва томошабинларидан оқчи қорандан, ҳақиқатни ўйдира гаплардан ажратиш учун ўзининг мустақил дунёқароши ва фикрига эга бўлишини тақозо этади" — дея таъкидлаган бежиз эмас.

Ийнунин, дунё микёсда бўҳтон ва ўйдирмаларни тарқатиш орқали жамоатчилик онига хусусан, ёшларимизни алдаб, ўз қармоғига илтиришга интилаётган бузғунчи ва ғаразли қўлларга нисбатан ҳеч қандай имкониёт бермаслигини биздан ҳозирги замон, давр талаб этмоқда.

Жамоатчилик қалби ва онгини забт этиш мақсадида ўзида бузғунчи ва ғаразли ахборот воситаларининг намоён этувчи ахборот хуружларидан мунтазам сезгир, огоҳ, хушёр бўлиш, фуқароларимизни турли хил ёт оқим ва гоёлар таъсирига тушиб қолишдан асраш барча юртдошларимизнинг фуқаролик бурчи эканлигини қалбдан аниқлашимиз лозим.

Равшан САЙДАҲМЕДОВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
Тошкент давлат техника университети ректори,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

пугур етказмаслиги шартлиги тўғрисидаги қоида ҳам ўз ифодасини топти.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг тамал тоши бўлди.

— Бош Қомусимизга киритилган сўнгги ўзгаришлар ҳақида фикр билдирсангиз.

— Юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, у ҳамisha ривожланишда, шунинг учун ҳам бизнинг олдимишга янги ва янги вазифаларни қўяди. Бу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун эса Конституциямизга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиб келинмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

маърузада баён қилинган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) "ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тайёрланиб, қабул қилинди. Ушбу қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштиришга, давлат ҳокимиятининг учта субъёти: давлат бошлиги — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга, шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтиришга қаратилди.

Қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи ҳокимиятнинг юқори органи сифатидаги ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи 98-моддаси янги таҳрирда баён қилинди.

Шунинг билан бирга, 2014 йил 16 апрель куни "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Қонунга асосан, Конституциянинг 32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу ўзгариш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, "қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари" принципнинг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий органининг, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек, ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўйбга қилиш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида киритилди.

Шонра МУҲАМЕДОВА сўхбатлашди

ФУҚАРОЛАРНИНГ ИЖТМОИЙ МУҲОФАЗАСИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон босиб ўтган йўл жамият ҳаётида, юртимиз, халқимиз манфаатларига мос ва хос турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда мислсиз ҳамда оламшумул ўзгаришлар даври бўлди. Мустақил Ўзбекистонда демократик давлат қуриш, очик фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиёти асосларини яратиш борасидаги миқёс жиҳатидан тенги бўлмаган ишлар ҳам айнан шу йилларда амалга оширилди.

Пировардига, миллий иқтисодиётимиз 5,5 барбардан зўйд, аҳоли даромадлари эса жон бошига ўртача 9 марта ўсди.

Айниқса, ҳаҳон микёсдаги глобал иқтисодий инқироз ҳали давом этаётганга қарамастан, Ўзбекистон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланганлиги натижасида охириги 11 йил давомида мамлакатимизда ялғи ички маҳсулот қўрсаткичлари 8 фоиздан ошиб келаётгани ва келажакда бундан ҳам кам бўлмаслиги қўтиллаётгани, аввало, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига замин яратмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барча йўналишларидан эришилаётган ютуқларнинг асосий омилларидан бири — бир ислохотларнинг қонуний жиҳатдан таъминлаш, аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини ўзлуксиз ошириб бориш, кенг микёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш жараёнида парламентнинг роли ва ўрни мустаҳкамланиб бораётгани десак муболага бўлмайди.

Жумладан, яқинда Парламентда бўлиб ўтган Давлат бюджетининг шу йилнинг 9 ойлик ижроси муҳокамасида ижтимоий соҳалар, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилгани қўрсатиб ўтилди.

Айниқса, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш борасидаги ислохотларни алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, жорий йилда парламент томонидан "Аҳолининг санитария-эпидемиология соғлиқсизлиги тўғрисида" ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ишлар самардорлигини янада оширишнинг ҳуқуқий қафолатларини мустаҳкамлади.

Шу ўринда, жорий йилнинг 23 январь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўша йиғилишига алоҳида тўхтаб ўтиш мақсадага мувофиқдир. Зотан мазкур йиғилишда Юртбошимиз иштирок этиб, парламент фаолиятини замонавий талаблар асосида тўдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш нўқтани назарда, Олий Мажлисининг ўтган даврдаги фаолиятига ҳолисона баҳо берди. Шу билан бирга 8 та йўналиш бўйича қўша ташланган қамчилик ва жиҳидий нўқсонлар юзасидан атрофида фикр юртилди.

Жумладан, Олий Мажлис томонидан ҳуқуқий қўлаш амалиётига етарлича эътибор берилмаётгани, қўпича қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ишламаётгани қайд этилди.

Айни пайтда қонунларни ишлаб чиқиш жараёнига мазкур фикрлар ва ўринли эътирозлардан келиб чиққан ҳолда ёндашилмоқда. 2015 йил август ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йиғилишида маъқулланган қонунлар фикримиз тасдиқланди.

Хусусан, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги", "Йод этишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги ҳамда "Аҳолининг санитария-эпидемиология соғлиқсизлиги тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шунлар жумласидандир.

Биз учун муҳим томони эса, мазкур янги нормалар нафақат ижтимоий муносабатларни тартибга солиди, бир вақтинг ўзида фуқароларнинг бевосита иқтисодий муҳфа-

засини янада кучайтиришга хизмат қилади. Эътиборли жиҳати, ҳар бир қонунда фракциялар томонидан ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган таклифлари, позициялари ўрин олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, қонунларнинг янада халқчиллиги, ҳаётлилигини таъминлашнинг қафолатидир. Жумладан, Ўзбекистон ХДП фракцияси ҳам аҳолининг ижтимоий муҳофазасига эътибор қаратилган манфаатларидан келиб чиқиб, тайёрланган қатор таклифларни қонун лойиҳаларида акс эттиришга эришди.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Сенатига юборилган қонунлар хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида" ги Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги Қонун шунлар жумласидандир.

Қонуннинг амалдаги таҳрири қабул қилинганлигига 17 йилдан қўпроқ вақт ўтган бўлиб, унинг қўпича нормалари эскирган ва бугунги кун талабига мос келмайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қонун дори воситалари муомаласи ва фармацевтика фаолияти соҳасида қонунчиликни янада тақомиллаштириш, дори воситалари, тиббий бўюмлар ва тиббий техникани қўлашда фуқаролар соғлиқни сақлашни устувор йўналиш сифатида белгилаш каби бир қатор муҳим вазифалар ечимига қаратилган.

Шу билан бирга қонун қабул қилиниши билан, дори воситалари, тиббий бўюмлар ва тиббий техникага бўлган техник талабларни тартибга солишни халқаро амалиёт билан ўйғунлаштириш, мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича етакчи хорижий давлатлар таърибасини, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норм ва принципларини инобатга олган ҳолда амалдаги норматив базани тақомиллаштириш ҳамда фармацевтика секторининг ривожланишига тўқсизлик қилаётган маъмурий тўсиқлар бартараф этилди.

Шунингдек, Сенатга "Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида" ги Қонун ҳам юборилди.

Таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқилган Қонун амалда бўлган Божхона кодексидан қонунга нўқтани назардан фарқ қилиб, божхона ишлари тартибга солишни сифат жиҳатдан ўзгаришларни назарда тутди.

Янги таҳрирдаги Божхона кодексининг амалга киритилиши бизнесни ривожлантириш ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бизнес ва тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш учун янада қўлай шарт-шароитларни яратди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида самарали божхона назоратини таъминлаш, товар айланимасини тартибга солиш, ташқи савдонинг ривожлантириш ҳамда ички бозорни сифатсиз ва контрафакт маҳсулотлардан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир қонун лойиҳалари муҳокамасида депутатлар ўз сайланган ҳудуднинг табиий ҳусусиятлари, сайловчилар ҳоҳиш-иштаклари ҳамда партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб ёндашишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шундай экан, бўлиб ўтаётган ўчра-шуъларнинг жонли мулоқотларга бой бўлиши, уларда фуқаролар фаолиги истиқболда ҳам депутатлар фаолиятининг асосини ташкил қилади.

Шўхрат МАМАДЖАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати,
ЎЗДП фракцияси аъзоси

ФАОЛ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши ва "Аёллар қаноти" ҳамкорлигида "Партиянинг оқила аёли" кўриктанловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Унда партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, "Аёллар" ва "Ёш адолатчилар" қаноти фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Кўрик-танловни ўтказишдан жамиятда хотин-қизлар роли ва мақомини юксалтириш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чўқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратиш каби мақсад-вазифаларни амалга ошириш кўзланган.

Тадбирда "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши "Аёллар қаноти" раиси Юлдуз Саидова ва бошқалар таъкидлаб ўтганларидек, юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, жамиятда ўз ўринларига эга бўлишда турли лойиҳаларни амалга ошириш, уларни қўлаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш масалалари устувор аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан ҳам ушбу йўналишдаги фаолият аниқ мақсадга қаратилган ҳолда амалга ошириб келинмоқда. Аёллар, хусусан хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш жараёнидаги фаоллигини янада ошириш, ибратли таърибаларини омаллаштириш, ёшлар ва электрорат манфаатларини ифода этишга қаратилган лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. "Партиянинг оқила аёли" кўрик-танлови ҳам аёзлар сафидаги оилада меҳрибон она, оқила ёр, жамиятда ўз ўрнига эга етук мутахассис, адолатли раҳбар фазилятларига эга энг фаол ташаббускор хотин-қизларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш ва қўлаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Танловда ўн бир нафар истеъдодли ва фаол аёллар ўз қобилият ва иқтидорларини намоён этишди.

Ҳайъат аёзлари иштирокчиларнинг касб маҳоратлари, оила ва жамиятдаги ижтимоий маъвеи, юрт тинчлиги, Ватанга бўлган чексиз муҳаббати ҳамда оналик меҳрини тараннум этишлари, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларида фаоллиги, етакчилик ва нотиклик маҳоратини муносоиб баҳолашди.

Кўрик-танловнинг барча иштирокчилари номинациялар бўйича Тошкент шаҳар партия Кенгашининг эсдалик совғалари ҳамда дипломлари билан тақдирландилар. Биринчи ўрин соҳибаси — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг "Халқ ижодиёти ва аънавий қўшиқчилик" кафедраси доценти Ойгул Аҳмедова танловнинг республика босқичи йўлланмасини қўлга киритди.

Шахризода МУҲСИМОВА

АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллиги муносабати билан "Хусусий мулк ва мулкнинг муносабатларининг конституциявий қафолатлари" мавзусида амалий мулоқот ўтказилди.

Ўзбекистон либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари М.Ақомова, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси У.Бозоров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Асосий қонунимизда белгиланган қонунлар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларга эркинлик бериш ва ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар улкан самаралар бераётганини таъкидлади.

Мулкдорларга берилаётган имтиёзларни янада кучайтириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳитини шакллантириб бориш мақсадида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан "Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага", "Мулкдор оила", "Диплом билан бизнесга", "Ишбилармон талаба", "Фермер аёллар", "Ёш фермерлар" каби ўнга яқин лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар самарасида 20 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

— Картон ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонамиз фаолиятини йўлга қўйгангагинада 3 нафар ишчимиз бор эди, — дейди ЎзА муҳбирига пойтахтимиздаги "Premium Alliance Partner" корхонаси раҳбари Бехзод Мухамедов. — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор самарасида банкдан кредит олиб, фаолиятимизни тақомиллаштирдик. Бугун 15 ишчи билан жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдамиз.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, жумладан, аёллар ва ёшлар бизнесини янада ривожлантириш, унинг қонунчилик асосларини тақомиллаштириш партиянинг устувор вазифаларидан бири эканлигига эътибор қаратилди.

Даврон СУННАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Виталия КОПОЛА, адвокат (Италия):

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида "Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлиқлар", деб белгиланган. Мамлакатингизда хотин-қизларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилишидан далолат берувчи ушбу модда уларнинг жамиятдаги нуфузини оширишда, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги фаолиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

Натижада тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар сафи мутасил кенгайиб, улар мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини

қўшмоқда. Ўзбекистон хотин-қизлари сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Мамлакатингизда сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камиди ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги тўғрисидаги қонунчилик нормаси ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Бу жиҳатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида узокни қўлаб белгиланган меъёр ва қоидалар самарасидир.

Мухаммад АЛ-МАНДИЛ, "ManCapita" компанияси раҳбари (Бахрайн):

– Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида иқтисодий фаолият, тадбиркорлик, мулкдорлик ҳуқуқларига

алоҳида эътибор қаратилгани аҳамиятлидир. Унда ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли экани, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга экани белгилангани мамлакатингизда мулкчилик қонун билан ҳимоя қилинишининг ҳамда бу ерда фаол бизнес юритиш учун эркин йўл очиб берилганининг яна бир ёрқин исботидир. Ишбилармонлик соҳасида қатор қонунлар қабул қилиш орқали мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган ва улар ҳаётда ўз амалий ифодасини топомқда. Бу Ўзбекистон иқтисодиётининг чет эллик сармоядорлар учун жозибадорлигини тобора оширмоқда.

Компаниямиз инвестиция соҳасида иш юритади. Қатор мамлакатларда, жумладан, Тошкентда ҳам ўз ваколатхонамизга эгамиз. Ўзбекистон билан муқобил энергетика, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳамда саноат соҳасида яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз. Келгусида Ўзбекистонда бошқа истиқболли соҳаларга ҳам сармоя киритишни мақсад қилганмиз. Зотан, бу заминда бизнес учун барча қулай шароит, тинчлик ва барқарорлик мавжуд.

Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Пойтахтимизда аллергия хасталикларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва профилактикасини кучайтириш масалаларига бағишланган VII илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

АЛЛЕРГОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика илмий-ихтисослашган аллергиялогия маркази томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги тиббиёт муассасалари профессор-ўқитувчилари, шифокорлар, тадқиқотчилар иштирок этди.

Республика илмий-ихтисослашган аллергиялогия маркази раҳбари О.Назаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, энг замонавий талабларга жавоб берадиган тиббиёт инфратузилмасини шакллантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бу жараёнда кейинги йилларда тиббиёт соҳасидаги энг долзарб масалалардан бирига айланган аллергиялогия хасталикларини эрта аниқлаш, олдини олиш, замонавий усулда даволаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманда болаларда аллергия касалликлари профилактикасини кучайтириш мақсадида пульмонология, дерматология каби хизматлардан кенроқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

– Аллергия иммун тизимининг бегона моддаларга қарши реакциясидир, – дейди Тошкент Тиббиёт академияси катта ўқитувчиси Қутбиддин Низоми. – Бир пайтнинг ўзиде турли дори воситаларини истеъмол қилиш, кундалик тановул қилинадиган озиқ-овқатлар таркибига турли консервантлар, сунъий бўёқларнинг қўшилиши аллергия касалликларига сабаб бўлмоқда. Касалликнинг аҳоли орасида кенг тарқалишига чек қўйиш, бу борадаги ишлар самарадорлигини кенгайтириш мақсадида академиямизда умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ва клиник аллергиялогия кафедраси ташкил этилган.

Тадбирда аллергия касалликлари профилактикаси, диагностикаси бўйича маълумотлар берилиб, уларни даволашнинг янги усуллари таҳлил этилди. Касаллик кўпайишининг олдини олиш мақсадида соҳага халқаро тажрибани жорий этиш масалалари муҳофаза қилинди.

Азиза ҚИЁСОВА, ЎзА мухбири**Ўқиш, ўрганиш комиллик сари етаклайди****Сарвар Ўрмонов олган сурат**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Яшнобод темир йўл касб-хунар коллежи ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига малака талаблари:

а) педагогик ёки муҳандис-педагогик олий маълумот;
б) педагогик стажи 5 йилдан кам эмас, жумладан касб-хунар коллежи йўналишида 3 йил педагогик стаж.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Сўровнома (справка-объективка);
2.Таржимаи ҳол;
3.Олий маълумот ҳақида диплом нусхаси;
4.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
5.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6.Паспорт (нусхаси);
7.Тавсифнома;
8.Меҳнат дафтарчасидан нусха.
Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси Юнусобод дизайн касб-хунар коллежининг вакант (бўш) бўлган қуйидаги директор ўринбосари лавозимига танлов эълон қилади:

№	Таълим муассаса номи	Лавозимлар номи	Манзили
1	Юнусобод дизайн касб-хунар коллежи	Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари	Юнусобод тумани, Марказ-5, 88-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимида (бошқарув фаолияти) 3 йилдан кам бўлмаган иш стажи талаб этилади.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1.Ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза
2.Сўровнома-объективка
3.Таржимаи ҳол
4.Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси
5.3x4 фотосурат 6 дона
6.Паспорт нусхаси

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.

Тел: 252-23-35

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2015 йил 22 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошириш тартибига ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк такроран қўйилмоқда:

1. Сергели тумани СИБ томонидан, 2012 йил 10 август кунги 1510/12375-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Кимёгар кўчасида жойлашган, умумий майдони 1378,63 кв.м. бўлган маъмурий бино. Бошланғич нархи 496 813 000 сўм.

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади! 2016 йил 5 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, 2011 йил 1 июнь кунги 1-2736/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзеда жойлашган, умумий майдони 2100 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (Блок Б ва В). Бошланғич нархи 1 859 317 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзеда жойлашган, умумий майдони 2700 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли уй (Блок А). Бошланғич нархи 1 796 349 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатна-

шиш истагида бўлган талабдорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 20% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кў., 18-уй. Тел.: (0-371) 250-19-24. Лицензия: № RA-0017.

Тошкент шаҳар Давлат санитария эпидемиология назорати маркази қуйидаги олий маълумотли мутахассисларни ишга таклиф этади:

1.Санитария шифокори
2.Шифокор-эпидемиолог
3.Шифокор-статист

Мурожаат учун телефонлар: 248-69-34, 248-12-43

Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси Миробод енгил саноат ва сервис касб-хунар коллежига қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади.

1)Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари.
2)Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.

Танловда олий маълумотли, таълим тизимида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга, илгари судланмаган, доимий яшаш жойидан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сариқўл кўчаси, 24 а-уй. Телефон: 283-41-75

Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман қасаба уюшма кенгаши, 461-мактабгача таълим муассаса жамоаси 461-МТМнинг собиқ раҳбари

Муассар Қодировна ЮСУПОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изорх этади.

МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ ЯРАТИЛГАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Бағрикенглик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тинчлик ва барқарорлини таъминлашнинг муҳим асосидир, – деди БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер. – Шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакатни ҳар жиҳатдан ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Президент Ислам Каримов инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарилган жамият барпо этишга эътибор қаратгани диққатга сазовор.

Мамлакатимизда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, унинг сиёсий ва фуқаролик фаолигини оширишда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти юксалиб бормоқда.

Бу борада амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришлар асосини Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг машҳур беш тамойили ташкил этади. Унда инсон ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинлиги ҳимоя қилинадиган, унинг салоҳиятини юзага чиқариш учун қулай шарт-шароитларни таъминлайдиган қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш устувор йўналиш деб белгиланган.

Мамлакатимизда фуқаролик институтларининг ривожланиши, фуқароларнинг юртимизни ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги муҳим вазифаларини бажаришда фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилган. Конституциямизда давлатнинг жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериши мустаҳкамланган. Ушбу принципга мувофиқ қабул қилинган 250 дан ортқ қонун ҳужжатлари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва фаолиятини ташкил этиш тартибини янада соддалаштириди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди. Натижада мамлакатимизда фаолият юритаётган ННТлар сони 8 минг 200 дан ошди. Хусусан, фуқароларнинг 10 мингдан ортққ ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларда амалга оширилаётган демократик ислохотларни ривожлантириш ҳамда амалга оширишга катта ҳисса қўшаётди. Фуқаролик жамиятининг оммавий ахборот воситалари каби муҳим институти ҳам жадал ривожланиб бормоқда.

2014 йил 4 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очилиғи тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенроқ амалга ошириш имкониятини яратди. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини оширди. Қонунда давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартиблари аниқ белгиланган. Аҳоли давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, ававаломир фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириди. "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун эса ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича муҳим дастурларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштироки кенгайтиришга ҳуқуқий асос яратди. Жамоатчиликнинг экологик масалалардаги иштирокини ва экологик ахборот олишга бўлган ҳуқуқини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ушбу қонун халқимизнинг атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини кафолатлаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалдаги самарасидир.

– Ўзбекистоннинг турли давлат ва нодавлат ташкилотлари мамлакатда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қўмаклашаётгани эътиборга лойиқ, – деди Шотландия инсон ҳуқуқлари комиссияси ҳуқуқшуноси Брюс Адамсон. – Ўзбекистоннинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларда жаҳон ҳамжамияти учун очик экани, соҳада амалга оширилаётган дастурларга халқаро стандартлар кенг татбиқ этилаётгани мамлакатингизда инсон манфаатлари ва эркинликларини таъминлашга катта эътибор қаратилаётганини яна бир қарра исботлайди. Бу жараёнда парламент назоратини қўлайитириш йўлида кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганини қўлайитириш.

– Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлиги тамойилини амалга ошириш демократик тараққиётнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади, – деди Инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича Хитой жамияти кенгаши аъзоси, Нанкай университетининг инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича маркази директори ўринбосари Танг Ингксия. – Ўзбекистонда ушбу соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган ва у амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Хитойда ҳам бу каби масалаларга устувор аҳамият қаратилади. Мамлакатларимиз ўртасида ушбу йўналишдаги ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистонда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очилиғи тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинган мамлакатингизда ахборот олиш эркинлиги тўлиқ таъминланаётганининг амалдаги ёрқин исботидир. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очилиғини намоён этувчи ушбу қонун фуқаролик жамиятини ривожлантириш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Бу бошқа мамлакатлар учун намуна бўла олади.

Халқаро анжуманда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, соҳада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт, мазкур йўналишда халқаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари атрофича муҳофаза қилинди.

(ЎзА)



Она табиат манзаралари

Жамшид Норқобилов олган суратлар

Спорт янгиликлари

ЧЕМПИОНЛИК МУБОРАК "ПАХТАКОР"!

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган XXIV миллий чемпионатининг 30-туридан сўнгги чемпион жамоа номи маълум бўлди.

Сўнгги турга қадар турнир жадвалида карвонбошиликка интилаётган "Пахтакор" ва "Локомотив" жамоалари орасидаги очколар фарқи биттани ташкил этаётганди. Яъни, пахтакорчилар ўтган учрашувлардан сўнг 72 очко билан биринчи ўринда, темирйўлчилар эса 71 очко билан иккинчи ўринда боришга эришди.

Шу боис ҳам сўнгги тур баҳсларида бу икки жамоа кўлга киритадиган очколар муҳим аҳамиятга эга бўларди.

Бу сафар "Пахтакор" ўз майдонида "Андижон" жамоаси билан куч синашди. Чемпионат голиби бўлишга интилган майдон эгалари 90 дақиқа мобайнида рақибларидан ҳар томонлама устунлик қилишди ва меҳмонлар дарвозасига олти марта гол киритишди. Шу кунги стадионга келган мухлислар Машарипов, Соҳибов, Кривец, Сергеев (2 та), Солиев томонидан киритилган голларга гувоҳ бўлишди.

Учрашувни йирик 6:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган пахтакорчиларга ўн биринчи марта Ўзбекистон чемпионлиги насиб этди. Дарвоқе, "Пахтакор"нинг иқтидорли, ёш ҳужумчиси Игорь Сергеев шу кунги 2 марта рақиб дарвозасига гол киритиб, жорий мавсумдаги голлари сони 23 тага етказди ва тўпурарликка даъвогар бўлаётган "Кизилқум" жамоаси футболчиси Баҳриддин Ваҳобовдан иккита тўпга ўзиб кетди. Шу кунги "Пахтакор"нинг фахрий футболчиси Анвар Солиев ўзининг футболчилик фаолиятидаги сўнгги учрашувини ўтказди. Қувонарлиси, охириги ўйинда ҳам "сеҳрли таёқча" номини олган Солиев майдонни голсиз тарк этмади. Шундай қилиб футболчилик фаолияти давомида "Пахтакор", "Бунёдкор" жамоаларида тўп сурган, ўз вақтида миллий терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилган Анвар Солиев олий лигада рақиблар дарвоза-

сига 230 дан ортиқ гол киритган футболчи сифатида ёдда қоладиган бўлди.

Чемпионлик учун сўнгги турга қадар кураш олиб борган "Локомотив" сафарда "Навбахор" жамоасини 3:2 ҳисобида енгган бўлсада кумуш медаль билан чекланадиган бўлди.

Сўнгги турнинг марказий баҳсларидан бири Жиззахда бўлиб ўтди. Турнир жадвалида сўнгги поғоналарда бораётган "Сўғдиёна" "Бухоро" билан ўз майдонида куч синашди. Мурасасиз баҳс меҳмонларнинг 3:2 ҳисобидаги голиблик билан тугади ва "Бухоро" олий лигада қолди.

Ўз майдонида "Олмалик"ни қабул қилган "Динамо"га бу сафар ғалаба насиб этмади. Қизиқарли баҳс 1:1 ҳисобида якунланди ва "Динамо" олий лигани тарк этди.

Қолган баҳслар қуйидагича якунланди: "Бунёдкор" — "Қўқон" — 1912 — 5:0, "Металлург" — "Шўртан" — 1:0, "Нефчи" — "Кизилқум" — 2:0, "Машъал" — "Насав" — 1:0.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Пойтахтимизда ёш шахмат усталари иштирокида навбатдаги халқаро мусобақа ташкил этилди. Азимиддин Хўжаев хотирасига бағишлаб ўтказилган мазкур очик чемпионатда иқтидорли шахматчиларимиз совринли ўринларни банд этишди.

ХОТИРА ТУРНИРИ
ЎТКАЗИЛДИ

Жорий йилнинг октябрь ойида Россияда ўтказилган халқаро турнирда муваффақият қозонган вакилимиз ФИДЕ устаси — Темури Игонин бу сафар ҳам ўзининг маҳоратини намойиш қилди. Мусобақа давомида 7,5 очко жамғарган истеъдодли шахматчимиз барча рақибларини катта фарқ билан орта қолдириб, бош совринни кўлга киритди.

Грецияда шахмат бўйича ўғил-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг 14 ёшгача болалар ўртасидаги баҳсларида голиб бўлиб қайтган Шамсиддин Воҳидов 5,5 очко билан иккинчи ўринни банд этди. Мусобақанинг кучли учлигидан яна бир истеъдодли вакилимиз Абдумалик Абдусалимов ўрин эгаллади.

НАТИЖАЛАРДАН КЎРА ҒАЛАБА
МУҲИМРОҚ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Александр Гейнрих Осиев кубоги ва жаҳон чемпионатининг қўшма саралаш босқичи доирасида КХДР терма жамоаси дарвозасини ишғол қилиб, мамлакатимиз бош жамоаси таркибига киритган голлари сони ўттизгача етказиб олди.

Шу тариқа Александр Гейнрих терма жамоамизнинг собик ярим ҳимоячиси Миржалол Қосимов билан урилган голлар ҳисоби бўйича тенглашиб олди.

Фақат маҳоратли ҳужумчимиз мазкур натижани такрорлаши учун 85 учрашувда майдонга тушишга тўғри келди. Миржалол Қосимов эса 66 ўйин-

да 30 та гол уришга муваффақ бўлган.

— Иккита ўйинда захирадан майдонга тушиб гол урганим ва ғалаба учун ўз ҳиссамни қўшганимдан

хурсандман, мухлислар тўла стадионда, айниқса, ўз уйингдаги учрашувда гол уриш янада мароқли, терма жамоадаги голларим сони ҳамда бошқа натижаларимдан кўра юртимиз жамоасининг ғалабаси муҳимроқ, — дейди Александр Гейнрих.

Айни вақтда Ўзбекистон терма жамоаси тўпурарлари рўйхатида Максим Шацких карвонбошилиқ қилмоқда. Киевнинг "Динамо" клуби собик ҳужумчиси ҳисобида 60 учрашувда 34 та гол бор.

САМБОЧИМИЗ ЖАҲОНДА ТЕНГСИЗ

Мароқашнинг Касабланка шаҳрида бўлиб ўтган самбо бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати беллашувларида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этиб, битта олтин ҳамда учта бронза медалларга сазовор бўлишди.

Жанговар самбо йўналишида 74 килограммгача бўлган вазн тоифасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Истам Қудратов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални кўлга киритди.

Шунингдек, йигитларимиздан мусобақага пухта тайёргарлик кўрган Саттор Эргашов (-52 кг.), Сарбон

Эрназаров (-68 кг.) ва Исламжон Азимов (-100 кг.) фахри ўчинчи ўриндан жой эгаллади. Афсуски, вакилларимиз орасида фақатгина Нодира Гулова бронза медали учун кечган беллашувда имкониятни бой бериб қўйди.

Ботир ХЎЖАЕВ

"101"

БЕПАРВОЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

Республикаимизда ҳар йили кузги-қишки мавсумга барча соҳада тайёргарлик кўрилади. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари олдига ҳам катта ва масъулиятли вазифаларни юклайди.

Миробод тумани ИИБ ЁХБ томонидан бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, туман ҳудудига жойлашган аҳоли турар жойлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона ва ташкилотлар, айниқса, мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб интернатлари, олий ва ўрта махсус таълим ҳамда даволаш муассасаларининг ёнғинга қарши ҳолатлари текширилмоқда.

Жумладан, Миробод тумани ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа манфаатдор идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида газ ва электр энергиясидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Туманда яшовчи фуқаролар орасида қишки мавсумда аҳоли турар жойларида иситиш мосламаларидан фойдаланиш, газ плитасини ўзбошимчилик билан бошқа жойларга қўчириб ўтказиш, резина шланг орқали улаб ишлатиш, кўлбола ясалган электр иситиш ускуналарида фойдаланиш ҳолатлари бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Тағрибот ишларига қарамай аҳоли турар жойларида оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида кўплаб кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда.

Ноҳус ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги ёнғинга қарши чора-тадбирларга риоя қилинг. Ўз яшаш ва иш жой бинолари ҳудудини доимий равишда қуриган ўт, шох-шаббалардан тоза ҳолда

сакланг, ажратилмаган жой ва ётоқ жойларида тамаки чекманг; ёш болаларга газ ва электр мосламаларидан фойдаланишни ишониб қўйманг ва уларни уйда ёлғиз қолдирманг; болаларнинг гуғурт ўйнашларида ҳамда пиротехника воситаларидан фойдаланишларида йўл қўйманг; турар жой бинолари ертўлаларида портловчи газ баллонлар, енгил алангаланувчан суюқлик, ёнғунчан маҳсулотлар сакланманг.

Азиз юртдошлар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан, ўз ҳаётимиз, давлатимиз ҳамда шахсий мулкимизнинг ёнғин офатидан асраган бўламиз.

Ёнғин содир бўлганда "101" рақамига қўнғироқ қилишни унутманг. **Шерзод ХАМИДУЛЛАЕВ, Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант**

Республикаимиз мустақилликка эришгандан кейин осмонўпар бинолар, замонавий таълим муассасалари ҳамда турли иншоотлар қад кўтарди.

ЭЪТИБОРЛИ
БЎЛАЙЛИК

Мана шундай шинам, чиройли масканларда хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Биргина эътиборсизлик, табиий газ ва электр қувватидан нотўғри фойдаланиш оқибатида кўнгилсизликлар юз бериши мумкинлиги барчага аён.

Яшнобод туманида жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 165 та ёнғин содир бўлиб, оқибатда 3 нафар фуқаро турли хилдаги қийиш тан жароҳатини олган. Бир нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ана шундай кўнгилсизликлардан бири Фарғона йўли қўчасидаги хонадонлардан бирида содир бўлди. Хонадон эгаси хонаси ёнғиндан зарарланган. Ёнғин хонадон эгасининг электр иситиш мосламасини назоратсиз қолдириши натижада келиб чиққан.

Шундай экан ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш билан бирга инсонлар ҳаётини сақлаб қолган бўламиз.

Ёнғин содир бўлгандан кўра унинг олдини олиш афзал эканлигини эслатиб ўтаемиз.

Файрат РАСУЛОВ, Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга
қарши кураш куниСОҒЛОМ ТУРМУШ
ТАРАФДОРИМИЗ

Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан 1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан пойтахтимизда тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Тошкент фармацевтика институтида ўтказилган тадбир "ОИТС — ажал элчиси" деб номланди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шаҳар ОИТС маркази мутахассислари ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда ОИТС касаллигини келтириб чиқарувчи омиллар, хасталикнинг оқибатлари ҳақида маълумот берилди. Бу борада юртимизда амалга оширилаётган профилактика ишлари, касалликка чалинган фуқароларни даволаш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кўрсатилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилди.

— ОИТС касаллигининг хавфлилик даражаси, унинг оғир асоратлари, касалликни олдини олиш, энг асосийси мамлакатимиз келажагини белгилловчи ёшларнинг бу борадаги тиббий билим ва саводхонлигини ошириш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан биридир, — дейди Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти директор вазифасини бажарувчи Азиз Низомов биз билан суҳбатда. — ОИТС касаллигига қарши факат тиббиёт соҳаси ҳодимлари эмас балки, давлат ва нодавлат ташкилотлари, идоралар, тегишли вазирликлар, ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳодимлари, қисқаси ҳаммамиз ҳамкорликда, ҳамжихатликда курашишимиз лозим.

Тадбир сўнггида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолининг шахсий сир сақланган ҳолатда жойларда махсус "Ишонч пунктлари" ташкил қилинганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Яшнобод туманидаги 198-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган деворий газеталар кўрик-танлови, вояга етмаганлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғибли қилиш, уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш ҳамда ОИТС касаллигининг зарарли иллатларининг олдини олишга бағишланди.

Тадбир тумандаги 28-оилавий поликлиника ҳамкорлигида уюштирилди.

Унда тумандаги 67, 198, 227, 230-умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчилари иштирок этди. Ёшлар томонидан олдидан тайёрлаб келинган ОИВ ва ОИТСга оид деворий газеталар, қизиқарли сахна кўринишлари ва касалликка оид савол-жавоблар танловнинг мазмунли ва мароқли қиёсаси таъминлаб берди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида бўлиб ўтган тадбир ҳам, "1 декабрь Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни" муносабати билан ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Миллий университети талабалари, талабалар поликлиникасининг шифокорлари ва соҳанинг етакчи мутахассислари иштирок этди.

Гулҳебра ДУРДИЕВА

ЯНГИЛАНГАН НОДИР ҚЎЛЁЗМАЛАР
НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг китоб музейида бўлиб ўтган навбатдаги экспозиция кутубхонанинг қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида сақланаётган шарқ тилларидаги лугатларга бағишланди.

Кўргазмадаги, асосан XIX-XX асрнинг 40-йилларида яратилган бу китоблар қўлёзма, тошбосма ва эски усул нашрларидан ташкил топган. Экспозициялар 46 та бўлиб, улар кутубхона фойдаланувчилари, бу ерга ташриф буюрувчилар, меҳмонлар, шунингдек, турли фанлар бўйича тадқиқотлар олиб бораётганларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Давра суҳбатда таъкидланганидек бундай китоблар тарихимизни ўрганишда тилларнинг ривожланиши, номларнинг келиб чиқиш тарихини тадқиқ этишда, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



ЎЗГИДРОМЕТ

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 2 декабрь эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароитида, ёнғингарчилик ти шаҳар ҳаво муҳитида бўлмади. Эрталаб туман зарарли моддаларнинг бир тушиди. Шарқдан секунди-оз йилгишига имкониятга 3-8 метр тезликда ша-яратади, ифлосланиш дара-мол эсади. Ҳарорат кечаси жаси наст бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 3 декабрда чиқади).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1255

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
5993 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топирилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ